# И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Энг ачинарлиси шуки, биз шаҳарнинг ижтимоий инфраструктурасини барпо этишда қолдиқ принципига шу пайтгача ҳам барҳам берганимиз йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Тошкент шаҳрини ижтимоий жиҳатдан ободонлаштириш учун ҳар бир ходим ҳисобига унинг оиласи ва социал-маданий-маиший тўла таъминланишини эътиборга олганда (уй-жой, касалхона ва поликлиника, болалар боғчаси ва мактаблар, шаҳар транспорти, савдо ва маданий-маиший хизмат ва ҳоказолар учун) 20 минг сўм сарфланиши керак. Демак, министрлик ёки идора бўлғуси корхонанинг қурилиш майдончасига биринчи қозиқни қоқишдан аввал шу мақсадлар учун қилинадиган ҳамма чиқимларни қоплайдиган миқдордаги пулни шаҳар ижрокоми ҳисобига ўтказиб қўйиши керак. Аммо тегишли иттифоқ идоралари шу мақсадлар учун қилинадиган чиқимларнинг кўп қисмини қоплаганлари йўқ, бунинг учун улардан ҳеч ким тузукроқ талаб ҳам қилгани йўқ.

Бунинг устига, кейинги беш йилликлар мобайнида ижтимоий соҳанинг зарарига ишлаб чиқариш қурилиши учун капитал маблағлар улушини кўпайтиришдек зарарли тенденция сезилмоқда. Бу ҳол тузумимизнинг ижтимоий устун жиҳатларига, одамларнинг манфаатларига, жамиятимиздаги бош омил бўлмиш инсон омилига зиддир.

Бу — ҳаммамизга алам қиладиган кулфатдир. Бу собиқ ва ҳозирги раҳбарларнинг тошкентликлар олдидаги, бутун халқ олдидаги бевосита айбидир. Пойтахтда қанчадан-қанча министрлар, депутатлар, Марказий Комитетнинг аъзолари бор, шу залнинг ўзида қанчадан-қанча мансабдор шахслар ўтиришибди. Модомики шундай экан, одамлар биздан: хўш, илгари қаерда эдингиз, бундай расвогарчиликка нега йўл қўйдингиз? Нега Тошкентнинг қиёфасини хатарли равишда бузишгача, уни беўхшов ва ҳатто одамларнинг яшаши учун ноқулай ҳолга келтириб қўйишга йўл қўйдингиз? — деб сўрашга ҳақлидирлар. Биз ҳақиқий турмушнинг ўзидан келиб чиққан мана шу қийин саволларга тўппа-тўғри ва ҳалол жавоб қайтаришимиз керак. Энг муҳими эса, халқ манфаатларига зид бўлган мана шундай сарқитни жуда қатъият билан, жуда шафқатсизлик билан, бутун кучни сарфлаб, зўр бериб тугатишимиз лозим.

Марказий Комитетнинг «Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991—1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадга қаратилган. Илгари одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор муҳим масалалар ҳаммадан пинҳон тутилиб тайёрланар ва қабул қилинар эди, жамоатчилик фикри эса ҳисобга олиниши бир ёқда турсин, ҳатто бутунлай писанд қилинмас эди. Ўша яроқсиз одатдан фарқли ўлароқ, бу ҳужжат мутахассислар, олимлар, маҳаллаларнинг фаоллари билан биргаликда, матбуотда батафсил муҳокама қилинди. Шу сабабли унинг мазмунини гапириб ўтиришимга ҳожат йўқ. Фақат баъзи бир принципиал масалаларга тўхталиб ўтаман.

Биринчидан, Тошкентда ишлаб чиқариш қурилишини кескин қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Фақат истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ёки аҳолига хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар учунгина истисно қилиниши кўзда тутилган. Аммо бундай ҳолларда ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг махсус қарори талаб қилинади. Шу пайтгача барпо этилган ва ишлаб турган объектларни ҳам суриштириб кўришимиз, уларда тартиб ўрнатишимиз керак. Шаҳарга керак бўлмаган, унга зиён етказаётган корхоналар, ташкилотлар, базалар ва омборларни ёпиш, соҳасини ўзгартириш ва Тошкент, эҳтимолки область ташқарисига кўчириш кўзда тутилмоқда. Аҳолининг механик тарзда кўпайишини тўхтатиш учун шаҳарда прописка қилиш чекланади. Зарур ҳолатларда унга Тошкент шаҳар ижроия комитетининг фармойиши билангина йўл қўйилади. Фаоллар йиғилишининг қатнашчилари, шаҳарнинг кенг жамоатчилиги ноиложликдан кўрилаётган, аммо мана шу зарур чораларга қўшилишларига аминман.

Иккинчидан, уй-жой қурилиши суръатларини камайтирмай, балки жадал ошириб, янги уй-жой мавзеларида ҳам, шунингдек шаҳарнинг Эски шаҳар қисмида ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, бутун ижтимоий инфраструктурани комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Замонавий шаҳарда, айниқса Тошкент каби азим шаҳарда яшаш шунчаки истиқомат қилишни билдирмайди. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира ёки шахсий уй бўлиши зарур. Яқин ўн йил ичида бу вазифани тўла-тўкис ҳал этишга сабот билан интилаверамиз. Аммо шу билан бирга уй яқинида ҳовузи бўлган кўкаламзорлаштирилган мўъжаз болалар боғча ва яслилари, мактаб ҳамда кенг синфхоналари ва жиҳозланган кабинетлари бўлган ҳунар-техника билим юрти, транспорт йўллари ва чорраҳалар ёнида қулай жойлашган магазин ва савдо марказлари, бозорлар, маиший хизмат корхоналари, типовой поликлиника ва касалхоналар, маданият муассасалари, кинотеатрлар, кутубхоналар, оммавий истиқомат жойлари ҳам бўлиши зарур.

Ўртоқ А. И. Фозилбековнинг докладида ва ўртоқларнинг нутқларида аниқ-равшан рақамлар ва мисоллар айтиб ўтилди. Фақат шуни таъкидлайманки, яқин 2-3 йил ичида шаҳарда қуришга улгурилмай қолган социал-маданий-маиший объектларни барпо этиш, келгусида эса нокомплекслик тушунчасининг ўзини истисно этиш керак. Шу йўл билангина биз йиғилиб қолган муаммоларни ҳал эта оламиз, бу муаммолар улғайиб кетмаслигига, янги муаммолар пайдо бўлмаслигига эришамиз. Бунинг учун планлаштирувчи, таъминотчи идоралар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари, халқ депутатлари район ва шаҳар советлари шахсан жавобгардирлар. Партия органлари эса раҳбар коммунистлардан бунинг учун жуда қаттиқ жавоб талаб қилишлари керак, чунки одамларнинг ҳаёт таъминоти масалалари — ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўлиб қолмай, аввало сиёсий масалалардир.

Шаҳарнинг меъморий қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва маҳаллалараро алоқаларни сақлаб қолиб, унинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш — жуда муҳим вазифадир. Биз туб тошкентликлар олдида қарздормиз, уларнинг ота-боболари шаҳримизни бунёд этганлар, қурганлар ва ободонлаштирганлар, уларнинг ўғил-қизлари эса ҳаёт таъминотининг энг оддий шароитларидан ҳам маҳрум қилиб қўйилди. Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларидаги исталган ўзбек хонадонига киринг, бу районларда 600 минг киши яшаб турибди, хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар путурдан кетиб қолганки, уларни ремонт қилиб ҳам бўлмайди (бизда 2 миллион квадрат метрга яқин мана шундай уйлар бор). Бу хонадонларда марказий иситиш системаси, водопровод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила яшаб турибди, киши бошига 2-3 квадрат метр уй тўғри келади. Агар Тошкентда ўрта ҳисобда киши бошига 14,2 квадрат метр уй тўғри келса, эски шаҳар қисмида бундан икки баравар кам. Қарийб 7 минг оила шундай яшамоқдаки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 метрдан камроқ саҳн тўғри келади. Бу — энг оддий ҳаёт таъминоти шартларига яқинлашмайди. Бу одамларнинг чидамлилиги, саҳовати ва мардлигига, шу қийинчиликларнинг ҳаммасига бардош бераётганлигига фақат таҳсин ўқимоқ керак.

Аҳволни жуда зудлик билан, жуда шошилинч тарзда тузатиб олиш керак. Қарорда бундай оилалар уй-жой билан навбатдан ташқари ва кечи билан 1992 йилгача таъминланиши кераклиги кўзда тутилган эди. Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган имтиёзлиларга, қаҳрамон оналарга ҳам шундай ёндашиш лозим. Уларнинг уй-жой шароитларини биринчи галда яхшилаш ҳақида район ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети доимий ва жуда зўр ғамхўрлик қилишлари керак. Шаҳар, область партия комитетлари ва марказий комитет ҳам мана шу жуда ўткир ижтимоий-сиёсий муаммонинг ҳал этилишини қаттиқ назорат қилиб туришлари зарур.

Шаҳарнинг тарихан таркиб топган эски қисми ҳақида батафсилроқ гапириладиган бўлса, биз туб тошкентликлардан бўлган қарзимизни тўлашимиз, уларга нисбатан ижтимоий адолатни тиклашимиз кераклигини тўғридан-тўғри айтмоқ керак.

Аввало шу районларнинг аҳолисига замонавий шароитларга монанд нормал уй-жой, маиший хизмат, ижтимоий соҳани яратиб беришимиз зарур. Бу муаммоларни жўн ва юзаки ҳал этиб бўлмайди.

Шаҳар аҳолиси эски районларни бузиб ташлаб, шу жойларда бир-бирига ўхшаш типовой микрорайонлар қурилаётганига қарши ҳаққоний эътироз билдирмоқда. Бундай микрорайонларни арзонроқ ва тезроқ қуриш мумкин, албатта, аммо бундай арзонлик ва тезлик шаҳар ва халқ учун ҳаддан ташқари қимматга тушмоқда. Шонли шаҳримизнинг тарихан таркиб топган ва бетакрор қиёфаси йўқолиб бормоқда, маҳаллаларнинг асрий алоқалари ва анъаналари барбод бўлмоқда. Биз бундай қила олмаймиз ва бундай қилишга ҳақимиз йўқ. Аксинча, эски шаҳар аҳолисининг, маҳалла жамоатчилигининг халқ меъморчилигини, ажойиб асрий яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам, ободончилик муаммоларини биргаликда ҳал этиш анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш муддаосини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Биз ўз территориясини ўз кучи билан обод қилиб, кўкаламзорлаштираётган, кексаларнинг дам олиши учун маҳалла марказлари ва чойхоналар, болалар учун майдончалар барпо этаётган маҳаллаларнинг аҳолисидан астойдил миннатдормиз.

Ўтмишнинг тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини шаҳар муассасалари эмас, балки аҳоли ўз ташаббуси билан сақлаб қолаётганлиги маҳаллий маъмурлар учун, ҳаммамиз учун катта таънадир. Масалан, Чиғатой аҳолиси меъморчиликнинг тарихий ва архитектура ёдгорлиги бўлган эски мачитни қайта тиклаб, бу соҳада ибрат кўрсатди. Жуда тўғри иш қилинди. Агар шундай ватанпарвар ва жонкуярлар бўлмаганида, биз ўтмишни аллақачон унутиб юборган бўлар эдик, ҳолбуки айрим кимсалар зўр бериб бизни ўтмишни унутишга даъват этмоқдалар. Яқинда ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган шаҳар аҳолиси шаҳар ўз тарихини қаердан бошлаганини билмаслиги, унинг шонли кўп асрлик тараққиёти шоҳидлари бўлмиш архитектура даврлари қаерда сақланиб қолганини била олмаганликлари каби ғаройиб факт ҳаммамизга жуда катта таънадир. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган амалиётчилар пойтахтимизнинг юбилейи шарафига ёдгорлик тоши қўймоқчи бўлганликлари бизни оз бўлмаса уялтириб қўяй деди.

Ҳолбуки, ҳамма нарса ҳам бир лаҳзалик амалий манфаат билан ўлчанмайди. Шаҳар программасини амалга ошириш чоғида ўтмиш ёдгорликларини сақлаб қолиш ва таъмирлашга жуда эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан қараш керак.

Ҳозир шаҳарда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик икки юздан кўпроқ меъморчилик ёдгорлиги бор. Мабодо биз улардан лоақал биттасини қўлдан берсак, авлодлар бизни кечирмайдилар. Шу муносабат билан Улуғбек даврига мансуб ёдгорлик — Зангиота мақбарасининг қисматини эслатиб ўтмоқчиман. Бутун дунё аҳли 1994 йилда Улуғбекнинг 500 йиллик юбилейини нишонлайди. Бир неча йил муқаддам таъмирлаш лойиҳасига кўра унинг равоқидаги тошлар битталаб кўчириб олинди, кошинлари тўдалаб уйиб қўйилди ва аста-секин ташиб кетила бошлади, ёдгорлик эса тикланмай қолиб кетди. Бундай ваҳшийликка тоқат қилиб бўлмайди. Шаҳарни ривожлантириш доирасида «маданий ва меъморчилик ёдгорликлари» деган программани ишлаб чиқиш, бунинг учун махсус жамоат фондини вужудга келтириш керак.

Эски шаҳарни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришда анъаналарни сақлаб қолиш билан бирга қурилиш ва ободончиликнинг бутунлай янгича сифат даражасини таъминлаш йўли танлаб олинганлиги жуда тўғри бўлган. Шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларида нормал уй-жой соҳасини замонавий фан-техника даражасида шакллантириш вазифаси қўйилган. Бу эса таъмирланадиган ҳар бир район аҳолисининг кўпчилик қисмини шу райондаги янги қуриладиган жойларга кўчириб жойлаштириш, таркиб топган ижтимоий-демографик структурани, маҳалла уй-жой тузилмаларини, кўп укладли оилаларни битта ҳовли теграсида жойлаштириш принципларини сақлаб қолиш имконини беради.

Шу районларда яшаб турган кишиларнинг интилишларини тушунмоқ керак, улар неча ўн йиллардан бери шу ерда яшайдилар ва истиқомат жойини ўзгартиргилари келмайди. Улар кўпинча янги квартиралар ажратишни эмас, мавжуд уй-жойни сақлаб қолишни, яшаш учун энг оддий қулайликларни яратиб беришни илтимос қиладилар. Оиланинг кам қаватли уй-жой биноларида яшаш тарзи, асрлар давомида синалган қулай маҳалла марказлари теварагида яшаш аҳолига маъқул. Биз жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга, халқ анъаналарини эҳтиёт қилиб асрашга мажбурмиз.

Ўртага қўйилган вазифа зудлик билан ҳал қилиниши керак. Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкил этилган «Тошкент — тикланиш» давлат-кооператив қурилиш бирлашмасини тезроқ малакали кадрлар билан мустаҳкамлаши, зарур техника ва моддий ресурслар билан таъминлаши, шу тариқа шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларини таъмирлаш ва қуриш, тажриба учун «Шаҳристон» маҳалласини барпо этиш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришга тезроқ киришишига имкон бериши зарур. Шу муносабат билан бу ерда Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари Шукур Темуров кўтариб чиққан масалалар диққат билан ўрганилиши керак, бу таклифларда жуда чуқур мазмун ва маъно бор.

Олдимизда катта вазифалар турибди, қилинадиган ишлар кўп. Шаҳар хўжалигининг ва қурилиш конвейерининг ҳамма бўғинларида жуда қаттиқ ва қатъий интизом — план, ижро, меҳнат интизоми йўлга қўйилган тақдирдагина бу вазифаларни уддалаш мумкин. Бунинг учун раҳбар коммунистлардан қаттиқ жавоб талаб қилинади. Энг муҳим иш — уй-жой қурилишидаги узилишлар бизда шундай интизом етишмаётганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги беш йиллик бошланганидан буён бирон йилда ҳам шаҳарда уй-жой қурилишининг белгиланган ҳажмлари бажарилгани йўқ. Уй-жой программасининг топшириқларигина эмас, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йиллик планлари ҳам бажарилмаяпти. Тўрт йил мобайнида 514 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой биноси қуриб битказилмади. Республика Олий Совети тасдиқлаб берган уй-жой программасига нисбатан эса 1,5 миллион квадрат метр уй-жой берилмади.

Бундаги асосий сабаблар — республика Госснаби моддий-техника таъминоти масалаларини қониқарсиз ҳал этганлигидан, Тошкент область ижроия комитети ер ажратиб бериш масаласини ўз вақтида ҳал этмаганлигидан, «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан иссиқлик таъминоти, энергия таъминоти манбаларини ривожлантиришда орқада қолинганлигидан, Ўзбекистон ССР Госплани капитал маблағларни ва моддий ресурсларни планлаштиришда коммунал тармоқ объектлари қурилишига ҳали ҳам қолган-қутган маблағларни бериш принципидан воз кечмаётганлигидан, «Главташкентстрой» ўзининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришда орқада қолаётганлигидан иборат.

Аммо бу сабаблар қурилиш программасининг бажарилиши устидан назоратсизликка йўл қўйган Тошкент шаҳар партия комитетини, шаҳар ижроия комитетини, район партия ва ижроия комитетларини мутлақо оқлай олмайди.

Марказий Комитет шаҳар партия, совет ва қурилиш ташкилотлари ҳамда коммунал хўжалиги раҳбарларининг сайловолди программаларида ана шу барча саволларга чуқур асосланган, тўлиқ ва мукаммал жавоблар бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Вазифа ниҳоятда қаттиқ ва аниқ-равшан қилиб белгиланмоқда: йўл қўйилган қолоқлик ўрни тўлдирилсин, 1990 йилда илгари битмай қолган турар-жой бинолари ва социал-маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилсин ҳамда уй-жой программасига мувофиқ янги марраларга — йилига 1,3-1,5 миллион квадрат метр уй-жой қуришдан иборат марраларга эришилсин. Бунга алоқадор барча кадрлар одамларни яшаш шароити билан таъминлаш учун шахсан масъулиятни ҳис этишлари ва улар мазкур вазифани ё ҳал этишлари, ёки бу ишдан кетишлари керак, деган оддий ҳақиқатни тушунишлари лозим. Биз кимнингдир билимсизлиги, ташаббуссизлиги туфайли одамларнинг қайта қуришга ишончига, партия, Совет ҳокимиятининг обрў-эътиборига путур етишига йўл қўя олмаймиз.

Биз қандай оператив ва истиқбол планларини ишлаб чиқмайлик, ана шу мақсадлар учун қандай қўшимча воситалар ва ресурслар ажратмайлик, агар уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда қаттиқ, сўзсиз амал қилинадиган тартиб ўрнатмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз. Биз мазкур масалаларда ижтимоий адолат бирор марта ҳам бузилишига йўл қўя олмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Текширув шуни кўрсатдики, Тошкентда 1990 йил бошида текшириб чиқилган етти мингдан ортиқ уй-жойларнинг деярли учдан бир қисмида қонун-қоидани турли хилда бузиш ҳоллари аниқланган. 1700 дан ортиқ квартира бўшагани, салкам 160 квартира ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланди. Айрим квартиралар узоқ вақт бўш турган.

Ана шу ва бошқа фактлар муҳтожларни уй-жой билан таъминлашдаги кескинликнинг юмшатилиши учун Советлар резервларга эга эканлигидан далолат беради. Гап энг аввало квартира эгаларининг аксарият қисми ортиқча турар-жой майдонига эга эканлиги тўғрисида бормоқда. Бугунги кунда шаҳар ижроия комитетида ортиқча уй-жой майдонлари тўғрисида аниқ ҳисоб-китоб йўқлигини дангал айтиш керак. Қўшимча квартира ҳақининг миқдори — йилига қарийб 700 минг сўм — чинакам ҳолатни акс эттирмайди. Бу шаҳардаги бутун турар-жой фондини пухта ҳужжатлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур жараён тегишли хизматлар томонидан депутатларнинг ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида амалга оширилиши керак.

Мени тўғри тушунишингизни сўрайман: биз ҳеч кимнинг манфаатларини, агар улар қонун асосида қондирилаётган бўлса, камситмоқчи эмасмиз. Лекин шаҳар маъмурлари давр руҳига амал қилиб, муросага келиш имкониятларини қидириб топишлари керак. Айтайлик, ҳар бир районнинг энг обод жойларида каттароқ уй-жой майдонига алмаштиришга мўлжалланган бир ва икки хонали яхшилаб пардозланган ва лойиҳалаштирилган квартиралари бўлган кам қаватли ғишт уйларни қуриш билан муросага келиш мумкин. Бу асосан кекса кишиларга тааллуқли бўлганлиги туфайли мазкур уйларда озиқ-овқат магазинларини ҳам, чоғроқ парҳез таомлар ошхонасини ҳам, Соғлиқни сақлаш министрлигининг социал таъминот бўлими билан биргаликда медицина пункти ва социал ёрдам хизматини ҳам жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўйлайманки, ўшанда кам хонали квартираларга алмашиш жараёни мушкулликларсиз ўтган, шаҳар эса қўшимча равишда минглаб квадрат метр уй-жойга эга бўлур эди.

Ортиқча турар-жой майдонига имтиёзларнинг қонунийлиги муаммоси ҳам ана шу масала билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда шаҳарда 175 минг киши ана шундай имтиёзлардан фойдаланмоқда. Бунда ҳам биз ҳеч кимнинг қонуний ҳуқуқларини камситмоқчи эмасмиз. Халқ депутатлари съездининг имтиёзлар комиссияси мезонларига амал қилиб, бундай имтиёзларни пухта кўриб чиқиш лозим: бунда суиистеъмолликлар ва бузилишлар йўқмикан. Шубҳасиз, мазкур масалалар жамоат фикрини ҳисобга олиб, шаҳарнинг ваколатли органлари томонидан кўриб чиқилиши даркор.

Ва ниҳоят ҳужжатлаштириш шунинг учун ҳам кераки, уй-жойларга табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлашни — унинг қаерда жойлашганига, қурилиш типига, қулайликлари даражасига қараб ҳақ тўлашнинг жорий этилиши тўғрисидаги асосли таклифларни ишлаб чиқиш лозим.

Шаҳарнинг марказида ғишт уйда турувчилар Юнусобод ёки Сергелида панель уйларда турувчиларга қараганда уй ҳақини қимматроқ тўласалар адолатли бўларди деб ўйлайман. Мазкур масалаларни шаҳарнинг нуфузли совет идоралари узил-кесил ҳал этишлари керак. Лекин бу масалалар шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети томонидан ўрганилиб, шу хусусда таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Шаҳар хўжалиги бюджетини тўлдиришнинг яна бир манбаи ҳақида. Гап эгаллаб турилган давлат квартираларини сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисида бормоқда. Ҳозирча бу тажриба шаҳарда жуда журъатсизлик билан жорий этилмоқда. Йил бошигача жами 546 минг сўмлик 102 та квартира сотилган. Ана шу маблағлар янги уй-жойларни қуришга сарфланади. Квартирани хусусий мулк қилиб, сотиб олишни истовчилар анча кўп. Дастлабки тажрибани ўрганиш, унинг асосида найрангбозлик ва суиистеъмолларга барҳам берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда шаҳар бюджетининг ана шу қўшимча манбаидан кенг фойдаланиш зарур.

Тошкент маъмурий марказининг меъморий шакллантирилиши янгича ёндошувларни тақозо этади. Бунда яхши ғоялар, ажойиб ижодий ечимлар оз эмас, ўтмишдаги ортиқчаликларга қарши кураш авж олдириб юборилган пайтда биз булардан уяла бошладик. Ҳолбуки, масалан, ғаройиб саройи, бениҳоя кенг майдони ва ўзбек халқининг қалбдан эзгулиги, беғаразлиги ва чинакам байналмилаллигининг тимсоли бўлган Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган рамзий, содда ҳамда кишини тўлқинлантирувчи ёдгорлиги бўлган халқлар дўстлиги комплекси сингари ажойиб архитектура ансамбллари бизнинг умуммиллий бойлигимиз-ку. Бундан биз фахрланишга ҳақлимиз. Бундай ёдгорликлар шаҳарда оз эмас.

Шу билан бирга шаҳарнинг Абай, Фурқат, Навоий, Ўзбекистон деб аталган марказий кўча ва проспектлари беш йилдан ортиқ вақтдан буён тугалланмаган, ярим хароба ҳолда туришига тоқат қилиб бўлмайди. Теварак-атрофда вайрона кулбалар ҳали кўп бўлган бир пайтда ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгаши, коллектив фойдаланишдаги ҳисоб маркази, Горький номли театр биноларининг ва бошқаларнинг қимматга тушадиган дабдабали лойиҳалари керакми, деб баҳслашиш мумкин. Умуман табиий иқлим шароитини, зилзилабардошликни, турмуш ва уй-рўзғор анъанавий укладини ҳисобга олиб, шаҳарда осмонўпар қурилишлар ва бундай қурилишларнинг ҳажми мақсадга мувофиқлигини ўрганиш зарур. Бу мутахассисларнинг иши. Бироқ биноларга ва марказлар қурилишига неча ўн миллион сўм сарфлаб, улар қурилишини тўхтатиб қўйиб, вайрон бўлишга маҳкум этиш — бу бориб турган хўжасизлик, халқ пулларини шамолга совуришдир, деб қатъий айтиш мумкин.

Лойиҳа ечимлари танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилгач бу ердаги ишлар яна йўлга қўйилиши керак. Модомики, гап архитектура маркази, неча асрларга етадиган қилиб қурилаётган ва ўзбек халқининг шаҳарсозликдаги ажойиб асрий анъаналарини давом эттириб, кўпайтираверишга қаратилган нарсалар тўғрисида бораётган экан, биз буни ана шу масъулиятли ишни олиб боришга даъват этилган бинокорлар, меъморлар, ҳайкалтарошларнинг истеъдоди ҳамда ижодий ёндошуви билан боғлаймиз.

Бунда ана шу муаммоларни ҳал этиш теварагига барча соғлом ва истеъдодли кучларни жипслаштириш, номи энг яхши меъморчилик ва шаҳарсозлик ечимлари лойиҳалари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон пойтахтининг бугунги куни ва келажаги тўғрисида сидқидилдан қайғураётган кишиларнинг барчасини фаол меҳнатга қайтариш муҳимдир.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бугунги кунда ҳам ўзининг бепарволигини, ишни ташкил эта билмаслигини турғунлик йилларига тақаб, ўзини оқлашга уринаётган раҳбарлар ҳам борлигини таъкидлаш керак. Кейинги вақтда раҳбарлик лавозимига кўтарилган баъзи бировлар 10-15 йиллик фактларни кавлаштириб, ўз ўтмишдошларининг номини булғаб (улар кўпинча бу кишиларга жавоб беролмайдилар ёки ўзларини ҳимоя қила олмайдилар) албатта қоралашга интилиб, ўзларини қаҳрамон қилиб кўрсатишга, шу тариқа бугунги ишга садоқатларини намойиш қилишга уринмоқдалар. Ўйлайманки, бундай одамлар узоққа боролмайди. Раҳбарлик ҳуқуқини ҳар куни иш билан исботлаш керак. Мана қарийб 5 йилдирки қайта қуриш бормоқда. Бугунги кунда ишни бошқараётган кишилар ўзига топширилган участка учун жавоб беришлари керак.

Тошкент — студентлар шаҳри. Шунинг учун ҳам бу ерда бирорта ҳам муаммони ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олмай, уларга ўқиш, баркамоллик ҳамда бўш вақтларини ўтказишлари учун барча шароитларни яратиб бермай ҳал этиб бўлмайди. Булар миллат келажаги, халқимиз келажагидир. Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдири ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ. Ана шу мақсадлар йўлида биз тежашга на маънавий, истасангиз, на оталиқ ҳаққимиз йўқ, бу ҳақда биринчи марта гапирилаётгани йўқ ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш учун маблағни, шу жумладан валютани ҳам аямаслик керак. Бир мунча истеъдодли йигит ва қизлар мамлакатимиз йирик илмий марказларида ва чет элларда таълим олиб, малака ошириш имконига эга бўлсинлар.

Аммо энг аввало болалар боғчасидан бошлаб олий мактабларимизда, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларимизда, мактабларимизда барча зарур шароитни яратмоқ керак.

Кейинги вақтларда республика пойтахтидаги ўқув юртлари ва студентлар ётоқхоналарида етишмовчиликлар ҳамда муҳтожликлар тўғрисида кўп гаплар айтилди ва ёзилди. Такрорлаб ўтирмайман. Фақат мазкур масалаларда қолдиқ принципи айниқса зарарли эканини таъкидламоқчиман. Чунки бу принцип ҳар бир халқ учун энг қимматли нарсага — келажакка болта уради. Халқ таълими министрлигининг раҳбарлари, олий мактабларнинг ректорлари ҳар бир ўқув корпусида, ҳар бир ётоқхонада ўқиш ва дам олиш шароитлари учун шахсан жавобгардир.

Ўзбекистон Компартияси ўзининг сайловолди ҳаракат дастурида ёшлар соҳасини устун даражада ривожлантиришни таъминлашга халқ олдида ваъда берди. Биз эса ўз сўзимизнинг устидан чиқишимиз шарт. Чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқиб, амалга ошира бошланди. 49 та студентлар ётоқхонасида қарийб 4 миллион сўм сарфлаб капитал ремонт қилинди. Бу эса 1988 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпдир. Қатор олий мактабларда имтиёзли овқатланиш жорий этилди. Ётоқхоналар етишмаслиги туфайли хусусий квартираларда яшашга мажбур бўлаётган студентларга январь ойидан харажатларни қоплаш учун пул тўлана бошланди.

Аммо буларнинг ҳаммаси дастлабки қадамлар бўлиб, асосий муаммоларни ҳал этмайди. Халқ таълими бутун системасини ва унинг моддий базасини тубдан қайта қуриш талаб қилинади. Республика ҳукумати, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Халқ таълими министрлиги ёшларни ўқиш, дам олиш, маданият ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шароитлар билан таъминлайдиган тармоқ программасини ишлаб чиқсинлар. Компартия Марказий Комитети бу муаммони алоҳида назорат остига олади.

Катта шаҳар ҳаёти — бу фақат уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар, деган маънони билдирмайди. Бу мураккаб, кўп планли шаҳар хўжалигидир, одамларнинг яхши кайфияти ва саломатлиги унинг аниқ-пухта ва бир маромда ишлашига боғлиқ.

Шаҳарнинг коммунал инфраструктураси кўп йиллар мобайнида қолдиқ принципи асосида шаклланди. Янги қудратли корхоналар, янги уй-жой кварталлари ишлаб турган инженерлик коммуникациялари, энергия, иссиқлик сув, газ таъминоти манбалари, мавжуд канализация ва транспорт тармоқларини кенгайтирмай туриб қурилаверди. Шаҳар маъмурларининг бепарволигидан ҳар бир киши шаҳар хўжалигига камроқ ҳисса қўшиб, ўзининг маҳкамачилик манфаатлари йўлида кўпроқ «юлиб қолишга» интилади.

Бундай талон-торожлик натижасида шаҳарнинг асосий ҳаётий манбалари энергия инқирози ёқасига келиб қолди. Узилишларга йўл қўймаслик учун фавқулодда чора-тадбирлар кўриш лозим. Шунинг учун ҳам Министрлар Совети Давлат план комитети, тегишли министрликлар ва идоралар қабул қилинган қарорни шаҳар хўжалигини тубдан таъмирлашга қаратилган катта тадбирлар билан шошилинч тартибда тўлдиришлари, ҳар қандай тасодифларга барҳам бериш мақсадида мустаҳкам асосларни ва манбаларни яратишлари зарур.

Республика Давлат план комитети ва Молия министрлиги томонидан шаҳарни ўз вақтида материаллар ва пул билан таъминлаш ҳамда ремонт-қурилиш ташкилотларини машина ва механизмлар билан жиҳозлаш масаласига доимо эътибор қаратилиши лозим.

Транспорт хизмати ва йўл қурилиши энг танг жойлардан биридир. Ёғиб ўтган қорлар шуни кўрсатдики, биздаги транспорт оқими томирда қон қуйилиб қолганидек, унинг нормал ишлашини таъминламаяпти. Транспорт хизматлари ва йўл қурилиши тубдан таъмирланиб, янгиланиши керак. Аммо тирноқни этдан ажратиб бўлмайди. Бу айниқса Эски шаҳар қисмига тааллуқлидир. Бу ерда таркиб топган уйлар жойлашишини ва асосий кўчалар йўналишини сақлаб қолиш зарур. Ана шу ва бошқа масалаларда бирорта ҳам қарор маҳалла комитетларининг фикри ва розилигини инобатга олмай қабул қилинмаслиги керак.

Кескин тус олган экология муаммосини ҳал этишда жамоатчиликнинг роли янада ошиб бормоқда. У шаҳар нормал ичимлик суви ва соф ҳаводан маҳрум бўлиши мумкин, деб тўғри бонг урмоқда.

Чирчиқда жуда катта химия комплекси қурилиши тўғрисида хато қарор қабул қилиниши ўнглаб бўлмас зарар келтирмоқда. Бу билан шаҳар ҳавосини ўзимиз булғамоқдамиз.

Бу масалаларни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам тубдан ҳал этиш зарур. Бу ерда чала тадбирлар ярамайди. Сув ва ҳаво ҳавзаларини булғовчи асосий иншоотларни шаҳарнинг турар-жой зоналаридан ташқарига олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур. Чармўйна заводи, СССР Рангли металлургия министрлигининг металлга дастлабки ишлов берадиган ва иккиламчи алюминий эритадиган цехи, айрим автомобиль корхоналари ва базалар шулар жумласидандир. Табиатни муҳофаза қилувчи, санитария хизматлари шаҳардаги барча корхоналарни экология жиҳатидан ҳужжатлаштириш, тозалаш ва биқиқ, чиқитсиз технологияларга доир мукаммал чора-тадбирларни аниқлаш, тегишли протоколлар муддатини белгилаш ва имзолаш ишларини янада кенгроқ олиб боришлари лозим. Қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган тақдирда бундай корхоналар сўзсиз тўхтатилиб, ёпиб қўйилади ва бошқа ихтисосга ўтказилади. Авиация бирлашмасининг зарарли оқавалари метрога тушиб, «Чкалов» станциясини икки ойча ишдан чиқарган каби ҳолларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз одамлар саломатлигини, болаларимизнинг келажагини хавф остида қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Шаҳарда турмуш шароити соғлом ва хавфсиз бўлиши керак. Мазкур масалаларда жамоатчиликнинг фаоллигини ҳар жиҳатдан маъқуллаш зарур. Жамоатчиликнинг соғлом, холис ва талабчан гражданлик позициясигина кўпгина ўзбошимча маъмурларни ҳозирги ва келажак авлодга қимматга тушаётган қарорларни ўйламасдан қабул қилишдан тўхтатиб қолиши мумкин.

Катта шаҳарнинг нормал турмушини аниқ-пухта озиқ-овқат таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Магазинлар ва бозорлардаги аҳвол меҳнаткашларнинг, бутун Тошкент аҳлининг ҳақли равишда норозилигини туғдирмоқда. Агар аҳолининг сут-гўшт маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишларни бир амаллаб тушунтириб бериш мумкин бўлсада, жанубдаги шаҳримиз бозорларида мева ва сабзавотларнинг нархи Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ даражасида эканлигини мутлақо оқлаб бўлмайди. Ўтган давр мобайнида шаҳар аҳли аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларнинг нархи борасидаги кескинлик бир қадар юмшаганлигини таъкидламоқдалар, лекин бу сира-сира қониқарли эмас.

Масалани бир қадар енгиллатиш учун республика матлубот кооперацияси Тошкент шаҳрининг барча районларида мева-сабзавот бозорлари уюштирди, бундай бозорларда 30 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотилди. Бундан ташқари Ўзбекбирлашув, шаҳардаги партия ва совет органларининг куч-ғайрати билан келишилган нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадиган 53 та дўкон қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мева ва сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш базасини мустаҳкамлаш учун катта тадбирлар кўрилмоқда. Хитой Халқ Республикасидан қўшимча тарзда картошка сотиб олинди.

Куни-кеча республика ҳукумати шаҳарни озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Вазиятни тубдан ўзгартириш учун кенг миқёсли тадбирлар белгиланди. Республика пойтахти аҳолиси учун маҳсулот етказиб беришга тўла ихтисослашган хўжаликлар икки баравар кўпаяди. Бу Тошкент областигагина эмас, бошқа бир қанча областларга ҳам тааллуқлидир. Аммо ҳар қалай, Тошкент ва пойтахт области ўртасидаги мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик асосий омил бўлиб қолаверади. Бу фақат озиқ-овқат таъминоти, ер ажратиб беришгагина эмас, барча соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Биз ҳаммамиз шаҳар областсиз, область эса шаҳарсиз яшай олмайди, деган оддий ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак. Манфаатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки келишиб олинган ўзаро фойдали ҳамжиҳатлик областнинг ҳам, шаҳарнинг ҳам манфаатларига хизмат қилади. Кенгроқ маънода гапирадиган бўлсак, бу республиканинггина эмас, умуман бутун мамлакатнинг барча областлари ва регионларига дахлдордир.

Шаҳарликларга боғдорчилик-узумчилик учун ажратиб берилаётган участкаларнинг жуда кўпаётгани озиқ-овқат таъминотини анча яхшилашга ва кишиларнинг бўш вақтини фойдали ишларга сарфлашга, одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда).

# И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

участка олиш учун берилган аризаларнинг ҳаммаси шу йил қондирилиши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент бўйича биргаликда қабул қилган қарорда белгиланган тадбирлар ҳар жиҳатдан тўла-тўкис ва кенг кўламли бўлиши билан бирга, улар молиявий ва моддий-техник таъминот жиҳатдан ҳам принципиал янги ёндашувлар билан фарқ қилади. Илгари аввал беш йиллик ва йиллик планлар тасдиқланар, кейинчалик эса кимга нима қолган бўлса, ўшани олади, деган қолдиқ принципига кўра, регионлар ва программаларга ўша планларда белгиланган ресурслар тақсимланар эди. Биз илгариги бундай усулдан воз кечдик.

Мазкур ҳолда биз бошқачароқ позициялардан ёндашдик. Мутахассислар ва жамоатчиликни жалб этиб, «фарёд кўтараётган» шаҳарларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганиб таҳлил этдик, дарҳақиқат бу муаммоларни ҳал этишни нари суриб қўйиш мумкин эмас ва бу муаммоларни чалакамчатти, ямоқни ямагандек эмас, балки ўн йилликлар, асрларни мўлжаллаб тубдан, асосли тарзда ҳал этиш керак. Пойтахтимизнинг келажаги олдидаги бурч ва масъулиятимиз шунга ундайди. Бутун республика аҳли шундай ёндашувни қўллаб-қувватлашига ва белгиланган программани амалга оширишда жуда фаол қатнашишига аминман. Ўзбекистоннинг ҳар бир граждани Тошкентни ўйлаб, юраги ачишса, ўз пойтахти ҳақида ғамхўрлик қилса, она шаҳримиз билан фахрланса, пойтахтимизни бутун халқимиз, бутун республикамизнинг кўркамлиги ва ақл-идрокининг рамзига айлантиришни чин кўнгилдан истаса — ана шундагина бу иш муваффақиятли якунланади.

Бу ҳукумат, Давлат план комитети, Моддий-техника таъминоти давлат комитети, барча министрликлар ва идоралар зиммасига, область ва шаҳар партия ва совет органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Улар шаҳарни тубдан қайта қуришни таъминлаш учун барча молиявий ва моддий-техника ресурсларини қидириб топишлари шарт.

Аввало, қурилишнинг моддий-техника базасини жадал мустаҳкамлаш талаб этилади. Хатога йўл қўйиб, «Главташкентстрой» ва бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ўзбошимчалик билан тугатиб юборилиши оқибатларини шу яқин орада бартараф этиш керак.

Биз бош бошқарма ва министрликни шунчаки қайта тикламасдан, балки уларни сифат жиҳатдан янги даражада қайтадан барпо этмоқдамиз. Янги «Главташкентстрой» шу йилиёқ йирик панелли ва ҳажм-блокли уйсозлик қувватларини 1,5-2 баравар ошириши, монолит ва қурилишбоп ғишт ишлаб чиқариш ҳажмларини кўп маротаба кенгайтириши керак. Барча қурилиш ташкилотлари зудлик билан ўзларининг ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлашлари, янги тузилган «Тошкент тикланиш» бирлашмаси эса халқ усталарини бирлаштириш, хўжалик шартномалари асосида халқ ҳунармандчилиги, уй-жой ремонти кооперативларини ва шунга ўхшаш кооперативларни жалб этиши керак.

Шаҳарнинг партия, совет органлари, савдо ташкилотлари қурувчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг обрўсини кўтаришлари, улар меҳнати учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг тирикчилигини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини таъмирлашни қайта қуришнинг, республикада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишнинг конкрет муҳим йўналишларидан бири деб қараш лозим бўлади, Ўзбекистон Компартияси ҳозир шу муаммоларни ҳал этиш устида кунт билан иш олиб бормоқда.

Ҳозир қайта қуриш жуда қийин, ҳал этувчи даврга кирди. Жамиятимиздаги илгари пинҳон бўлиб турган зиддиятлар кескинлашди. Кучлар ўртасидаги зиддият авж олди. Литва Компартиясининг XX съездида КПССдан ажралиб чиқиш тўғрисида ақл бовар қилмайдиган қарор қабул қилинди. Закавказьедаги миллатлараро тўқнашувлар фавқулодда тус олди.

Қайта қуришни бошлаганимизда, биз олган ишонч ёрлиғининг муддати тугаб қолди. Ҳадеб ўтмишни танқид қилавериш даври, умумий ваъдалар бериш даври ўтиб кетмоқда. Амалий ишлар керак, ҳар бир киши ўз оиласи, қариндош-уруғлари тимсолида тирикчилиги енгиллашаётганини ҳис этиш учун биринчи қадамлар, кичикроқ бўлса ҳам, аммо конкрет натижалар зарур. Бугуң қайта қуришнинг тақдири, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлиги, социализмнинг тарихий тақдири худди ана шунга боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикадаги ишлар аҳволини таҳлил этишга, ўз фаолиятига талабчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида баҳо беришга, партияни қайта қуриш юзасидан янги таг-заминли таклифларни ишлаб чиқишга ҳамда КПССнинг XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик кўришга худди ана шундай позициялардан ёндашмоқда.

Қабул қилинаётган тадбирларнинг энг муҳимларидан бири-томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш майдонларининг кўпайиб бораётганидир. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашнинг кўпгина масалаларини комплекс ҳал этишга қаратилгандир. Биз бу борада белгилаб қўйилган режаларнинг амалга оширилишини партиявий йўл билан алоҳида назорат қилиб турибмиз ва янги йилнинг биринчи кунларидаёқ барча областларда бу режа қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқдик ҳамда шу режа йўлидаги кўпгина тўғаноқларни олиб ташладик. Компартия сайловолди ҳаракат дастурида ўз зиммасига олган бошқа мажбуриятлар ҳам бажариляпти. Масалан, неча йиллардан буён халқ маорифи ва савдо ходимлари бажариб бўлмайди, деб келган вазифани ҳал этиш жадаллашди — қишки таътилдан кейиноқ, иккинчи ярим йиллик бошланиши билан (илгари мўлжаллаб қўйилганидек навбатдаги ўқув йилидан эмас) республиканинг барча мактабларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш ташкил этилди. Республика аҳолисининг кам таъминланган табақалари, яъни кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерларга ёрдам бериш учун қўшимча маблағлар қидириб топилди.

Тошкент хусусида чиқарилган қарорнинг, шунингдек фаолларнинг мазкур йиғилишида тасдиқланадиган тадбирларнинг ҳар бир банди қандай бажарилаётганлигини ҳар куни қаттиқ талабчанлик билан назорат қилиб туриш керак. Бу республикадаги икки миллион киши яшаётган энг йирик шаҳардаги катта ижтимоий-иқтисодий мушкулликка оид масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга жуда катта сиёсий аҳамиятга молик масала ҳамдир — бу республика партия ташкилотининг ишонч ёрлиғини оқлашга қодирлиги, халққа берган ваъдасини бажаришга қодирлигига даҳлдор масаладир.

Халқ билан маслаҳатлашмасдан, кабинетларда тўқиб чиқарилган республика халқ хўжалиги территориал ва тармоқ бошқаруви схемаларини қатъиян рад этамиз, бу схемалар амалга оширилиб, тараққиётимизга ғов бўлди. Бу борадаги кўп ишлар, жумладан «Главташкентстрой»га дахлдор ишлар ҳозиргача бажарилган, буни сиз яхши биласиз. Фаоллар йиғилиши қатнашчиларига, республика жамоатчилигига шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика комиссиясининг хулосалари ва таклифлари кўриб чиқилди ҳамда Жиззах ва Сирдарё областларини илгариги чегараларида тиклаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети асрлар мобайнида халқимиз орттирган, унинг анъаналарига жавоб берадиган барча бебаҳо қадриятларни қўллаб-қувватлайди.

Биз яқинда Марказий Комитетнинг идеология комиссиясида бўлажак наврўз байрамини анъанавий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Ҳар жиҳатдан диққат-эътибор билан муҳокама қилдик, «қош қўяман деб, кўз чиқарилган», ўзбошимчалик билан зарарли, халққа бегона қарорлар қабул қилинган, анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг асрий негизлари оёқ-ости қилинган ўтмиш давр сабоқларини ҳисобга олдик.

Шу тажриба асосида ва аввало, одамларнинг, бутун халқимизнинг кўпдан-кўп истак ва талабларини ҳисобга олиб, биз бу йил наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик.

1. 21 март ишланмайдиган кун, деб эълон қилинди. 31 март куни ишлаб, бунинг ўрнини қоплаймиз. Шу куни байрам, якшанба куни тарифига кўра ҳақ тўланади.

2. Комиссиялар ҳозирнинг ўзидаёқ иш бошлаб юборди, мазкур комиссиялар ишига халқ учун жуда азиз ва севимли бўлган бу миллий байрамнинг ранго-ранг, жўшқин ўтиши ва унга асрлар давомида орттирилган файз-тароватни бахш этишга қодир бўлган жуда ҳурматли, жонкуяр кишилар ва бошқа кишилар жалб этилади.

Ўртоқлар, сиз бу масала хусусидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсиз, бу кунни кўп миллатли республикамизнинг пойтахти бўлган Тошкент аҳли бир ёқадан бош чиқариб байрам қилади ва уни иноқ байналмилал вазиятда чин дилдан, самимият ва очиқ кўнгиллилик билан ўтказади, деб ўйлайман. Бу бизга кучларни янада жипслаштириш учун хизмат қилади, кучларни жипслаштириш эса ҳозир бизга ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Бу — қайта қуришнинг асосий шарти, бу — даврнинг қатъий даъватидир.

Яхши қўшничилик, иззат-икром, ўзаро ёрдам халқимизнинг жуда муқаддас анъаналаридан биридир. Муқаддас сўзини тилга олиб турганимиз маъқул. Биз ҳозир маҳалла ҳаётида, маҳалла жамоатчилигининг, гарчи баъзан кўзга чалинмаса-да, аммо кунт билан қилаётган жуда зарур ва муҳим фаолиятида тўла мужассам бўлаётган халқ анъаналарини асрашимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Маҳалла аҳли ўз даҳаларини ва районларини обод қилиб, муштарак эҳтиёжлар учун одамларни жипслаштириб, шодлик кунларида ҳам, ғам-ғуссада ҳам бир-бирига мадад беришдек анъаналарни қўллаб-қувватлаб, оиладаги жанжаллар ва бошқа можароларни бартараф этиб, ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаб, халқ қадриятларини ва умуминсоний қадриятларни маънавий, руҳий жиҳатдан асраб авайлашдек жуда муҳим ишни кўз-кўз қилмай, аммо кун сайин кунт ва чидам билан амалга оширмоқдалар. Барча оқсоқолларимизга, маҳаллаларнинг фаолларига катта раҳмат, ҳимматлари учун таъзим бажо этамиз. Улар она шаҳримизни яна обод ва кўркам қилишдек ишда фаол қатнашишларига аминмиз.

Пойтахтимиз ишчилари, зиёлилари, ёшлари, коммунистлар ва партиясизлар, Тошкентдаги барча миллатларга мансуб кишилар она шаҳримизни обод қилишдек бунёдкорлик ишида собитқадамлик ва аҳиллик билан меҳнат қилиш намунасини кўрсатадилар, Тошкентда ва республикамизда яшаётган ҳар бир кишининг бугунги куни ва келажаги манфаатларини ўйлаб, қўйилган мақсадларга эришишда ғайрат-шижоат кўрсатадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Фаолларга ва шаҳарнинг барча меҳнаткашларига ана шу олижаноб, инсонпарварлик ишида муваффақиятлар тилаймиз.

# ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, ОДАМЛАР ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ—ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қабул қилинган қарорнинг социал йўналишини қуйидаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди. Агар ўн биринчи беш йилликда социал соҳалардаги объектлар қуришга ажратилган капитал маблағларнинг ялпи ҳажми умумий капитал маблағларнинг 43 фоизидан сал зиёдроғини ташкил этган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда эса 53 фоизини ташкил этади, ўн учинчи беш йилликда эса турар жойларни социал, маданий-маиший ва коммунал хўжалиги объектлари комплекси билан биргаликда қуриш учун 3,3 миллиард сўм ёки шаҳар бўйича жами капитал маблағларнинг 78 фоизидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Турар жой қурилиши ҳажмлари бир ярим баравар кўпаяди. Якка тартибдаги уй-жойлар қуриш ва хўжалик усулида қуриш эса салкам икки-икки ярим ҳисса кўпаяди.

Программанинг режаларини ишлаб чиқишда аввалги қотиб қолган ёндошувлардан воз кечиш унинг муҳим хусусияти бўлди. Аввалгиларида капитал қурилиш ҳажмларини кўпайтириш ҳисобга олинардию, аммо бошқа кўрсаткичлар кўринмасди. Мазкур қабул қилинган режалар эса энг аввало конкрет кишиларнинг турмуш савиясини ва аҳволини тубдан ўзгартиришга қаратилган.

Қарорда, масалан 1995 йилгача аҳоли жон бошига турар жой майдонини нормативдаги даражага кўпайтиришга эришиш кўзда тутилган. Турар жой комплексида аҳолининг мактаблар, мактабгача болалар муассасаларидаги ўринлар сони билан, соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари билан таъминланиш савиясини анча кўтариш мўлжалланмоқда. Айниқса, Тошкентнинг тарихан таркиб топган районларини реконструкция қилиш ва ривожлантиришга, у ерларда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса социал таъминланганлик даражасини бараварлаштиришга ҳамда мавжуд социал адолат принципларининг бузилиш ҳолларига ва номутаносибликка барҳам беришга имкон беради.

Шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ҳавога зарарли чиқиндилар чиқариш қисқартирилди. Шунингдек, турар жой қурилиши мўлжалланган майдонлардан корхоналар, муассасалар ва объектларни кўчириш рўйхати аниқланди. Бу объектлар ё шаҳардан ташқарига кўчирилади ёки шаҳар чегараси доирасида қайта жойлаштирилади. Бу чора 168 гектарча майдонни ер участкалари учун ажратиб бериш имконини беради. Бу ерларда турар жойлар ёки социал, маданий-маиший объектлар қурилади.

Шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатишдаги тиғизликни камайтириш мақсадида, айниқса янги микрорайонларда 34 километр янги трамвай линиялари ва 74 километр троллейбус линиялари қурилади. Автобуслар парки салкам 300 машинага кўпаяди. Метрополитенда манзилга элтиш ҳажми ошади. Юнусобод линиясининг учта янги станцияси ишга тушиши муносабати билан транспортнинг бу турида йўловчилар ташиш ҳажми йилига 170 миллион нафарга етади. Қўйилган ана шу вазифаларни амалга ошириш, — деб сўзида давом этди А. И. Фозилбеков, — шаҳар партия ташкилотларидан ташаббускорлик билан ишчан ёндошувларни, меҳнат коллективлари, касаба союзлари, комсомол ташкилотлари, жамоатчилик ва аҳолидан ана шу қўйилган барча вазифаларни шак-шубҳасиз бажаришга сафарбар этишни талаб этади.

Бу программани агар Тошкентнинг ҳар бир аҳолиси — ишчидан тортиб министргача фақат хизмат бурчи туфайлигина эмас, балки қалб амри билан ана шу вазифаларни бажаргандагина муваффақиятли адо этиш мумкин.

Барча даражадаги коммунист-раҳбарлар программада қўйилган мақсадларни ўзларининг ҳам партиявий, ҳам ватанпарварлик бурчлари, шу шаҳарда яшаётганлиги учун виждон амри деб билишлари ва унда қўйилган вазифаларни бажариш учун кишиларни уюшқоқлик, ташаббус ва қатъиятлик билан ўз ортларидан эргаштира билишлари зарур.

Ҳозир ишларнинг аҳволи қандай кетяпти? Шаҳарда уй-жой таъминоти энг ўткир социал муаммо бўлиб турибди. Ўн иккинчи беш йиллик бошидан буён планга нисбатан 489 минг квадрат метр турар жой топширилмади. Уй-жой қурилиши суръатлари эҳтиёжнинг ўсиб боришидан деярли бир ярим-икки баробар ортда қолмоқда. Шунинг учун ҳам ўн учинчи беш йилликда белгиланган программани бажариш учун молиялаштиришнинг барча маблағлари ҳисобига 7,6 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилиши лозим. Шу жумладан шаҳар корхоналари ва ташкилотлари ўз кучлари билан 730 минг квадрат метр ҳажмида уй-жойларни қуриши керак. Қурилиш индустриясининг қувватини ривожлантириш, уни жадал ўстиришни таъминлаш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, замонавий техника ва ускуналар тақчиллигига барҳам бериш вазифалари турибди.

Шу билан бир қаторда шаҳарда қурилиш «конвейери»ни бошқаришнинг ҳозирги системаси қурилиш ишлаб чиқаришининг барча соҳалари куч-ғайратини мувофиқлаштиришга қодир эмаслиги аён бўлиб қолди. Бунга лойиҳани ишлаб чиқиш, майдонларни тайёрлаш, қурилишни дастгоҳлар, материаллар ва ишчи кучи билан комплектлашдан тортиб объектларнинг калитини топширишгача барча жараёнлар киради.

Ҳозир шундай қизиқ бир аҳвол юзага келиб қолган, яъни бир томондан қурилиш комплекси олдига ҳар йили турар жой ва социал қурилиш ҳажмларини ошириб бориш вазифаси қўйиляпти, иккинчи томондан эса бутун йил мобайнида бир маромда иш олиб бориш учун зарур бўлган мустаҳкам замин ва қурилишнинг норматив муддатлари ҳисобга олинмаяпти.

Бугунги кунда қурувчилар кўп ҳолларда тор қобиққа ўралиб қолмоқдалар. Бу эса келгуси йилга мустаҳкам замин яратиш имконини бермаяпти. Ҳа, йилдан-йилга планли мустаҳкам заминнинг салмоғи ҳам камайиб боряпти. 1990 йилга кўзда тутилган нормативдаги 35—40 фоиз ўрнига бор-йўғи 6—8 фоизи планлаштирилмоқда, холос.

Биз республика Давлат план комитетидан мана шу масалага эътиборни қаратишларини илтимос қилардик. Токи қарорда белгиланган топшириқларни мунтазам бажариб боришни таъминлаш ва қурилишлар планига шу йилнинг ўзидаёқ тегишли ўзгартишлар киритиш мумкин бўлсин.

Қурилиш майдонларида ишларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми савиясида сезиларли ўзгаришлар юз бермаяпти. Бракка йўл қўйишлар оқибатида бинокорлик материалларини ортиқча сарф қилиш камаймаяпти. Аввалгидек, ишчилар, қурувчилар асосан оғир қўл меҳнати билан машғуллар, унинг ҳиссаси 50 фоиздан ошиб кетяпти.

Кўпгина бинокорлик индустрияси корхоналари эскича технология бўйича ишламоқдалар. Ишлаб чиқаришни янги, самарали материаллар ва конструкциялар билан ривожлантирмаяптилар. 1, 2, 3-уйсозлик комбинатларининг заводларида дастгоҳлар анча ишдан чиққан ва маънавий жиҳатдан эскирган. 5-йирик панелли уйсозлик комбинати ва ҳажмли блокли уйсозлик заводи фойдаланишга топширилганига қарамай икки йил ичида лойиҳа қувватига чиқа олмаётир. Айни пайтда ишлаб чиқариш базаларини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағлар қониқарсиз ўзлаштирилмоқда.

Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўлиб туради: турар жойлар ва социал, маданий-маиший объектлар монтажи инженерлик тармоқлари қурилишидан илгарилаб кетади, яъни уй тайёр, аммо микрорайонда иситиш системаси, подъезд йўллари, коммуникациялар тайёр бўлмайди.

Бу ва бошқа нуқсонлар қурилиш сифатига ва муддатига, айниқса турар жой қурилиши борасида салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Партия комитетлари ва ташкилотларининг бундай пала-партишликка барҳам бериш вақти келди. Шаҳардаги бутун қурилиш комплекси ишининг бир маромда бориши учун масъул бўлган коммунист-раҳбарлардан ғоятда қаттиқ туриб талаб қилишни йўлга қўйиш зарур. Шаҳар Совети ижроия комитети, район Советлари ижроия комитетлари эса ишларни аниқ мувофиқлаштириб боришни таъминласинлар.

Хўжалик юритишнинг янги усулларига етарлича эътибор берилмаётир. Юқори меҳнат унумдорлиги ва ишларнинг юқори сифатини таъминлаши лозим бўлган қурилиш ташкилотларидаги хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ишлари амалда иш ҳақинигина оширишни таъминлаяпти, холос.

«Главташкентстрой»нинг 15 та қурилиш ташкилотидан 1989 йил якунларига кўра 7 тасида иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ўсишидан илгарилаб кетиши кузатилди. Улар орасида 4-қурилиш трести (ўртоқ А. Ф. Саидов), 11-қурилиш трести (ўртоқ А. П. Кочеров), «Пардозлаш-қурилиш» трести (ўртоқ Д. М. Хамзин) ва бошқалар бор. Умуман «Главташкентстрой» бўйича иш ҳақи 4,5 фоизга ошган, меҳнат унумдорлиги эса фақатгина 2,8 фоиз ўсган, холос. Бу албатта, нонормал ҳолдир.

Шаҳарда ахир шундай ёндошувлар ҳам борки, бунга мисол қилиб «Ташгорпромстрой» трести (ўртоқ М. М. Йўлдошев)ни кўрсатиш мумкин. Область қурилиш бирлашмасининг бу трести тўла-тўкис меҳнатни ташкил этишнинг ижара шаклига ўтди. Ўтган йил якунларига кўра сурункасига зарар кўриб келаётган бу трест юқори рентабелли, фойда кўраётган корхонага айланди. Янгича қадамнинг натижаси шундай бўлди. Миллионлаб сўм зарар ўрнига 500 минг сўмдан зиёдроқ фойда олинди, меҳнат унумдорлиги ҳам анча ошди. Мана, қурувчи ўртоқлар, ишга ижодий ва ташаббускорона ёндошишнинг намунаси шундай бўлади. Улар ҳеч қандай «объектив» қийинчиликларни рўкач қилишгани йўқ.

Ҳозирги вақтда ҳукуматимиз томонидан «Ташгорстрой» территориал-қурилиш бирлашмасини «Главташкентстрой»га, яъни, Тошкент шаҳридаги қурилиш бўйича Бош бошқармага айлантириш тўғрисидаги таклифларимиз амалга ошди. Ва биз ўйлаймизки, ўртоқ К. Н. Тўлаганов, бу ўзининг ижобий самараларини беради, уй-жой ва социал қурилиш суръатларини ошириш имконини беради.

«Главташкентстрой» ва унинг бўлинмаларининг партия, жамоат ташкилотлари, коммунист-раҳбарлари ўз ишларини тезроқ қайта қуришлари, ўз фаолиятларини қўйилган вазифаларни шак-шубҳасиз бажаришга йўналтиришлари лозим. Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлаш керакки, биргина «Главташкентстрой»нинг куч-ғайрати Тошкент шаҳрида комплекс ва сифатли қуриш ишлари учун етарли эмас. Бунда у турдош ташкилотлар, Давлат план комитети, Давлат моддий-техника таъминоти комитети, бинокорлик материаллари министрлиги, буюртмачи ташкилотлардан бинокорлик материаллар ва ускуналарни лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қурилиш майдонларини ажратиб беришни тўла ҳажмда ўз вақтида таъминлаш масалаларини ҳал этишда зарур ёрдамга муҳтождир. Афсуски, айнан мана шу муаммолар оқибатида шу беш йилликда кўпгина фойдаланишга топшириладиган объектларни ниҳоясига етказиш ишлари тўхтаб қолди.

Масалан, «Узглавстройдревпром» томонидан шаҳар қурилиш ташкилотлари йил мобайнида ёғочни қайта ишлаш буюмлари билан 80 фоиз атрофида таъминланди, холос. Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бўлинмалари томонидан кўп ҳолларда турар жой, мактабгача болалар муассасалари объектларидаги махсус монтаж ишларини ниҳоясига етказиш муддатлари барбод этилди.

Мана шундай нуқсонларга ва шартнома мажбуриятларини бузишларга йўл қўймаслик ҳақида коммунист-раҳбарларга бир неча бор кўрсатиб ўтилган эди ҳам. Шаҳар партия комитетининг бюросида нуқсонларга барҳам бериш бўйича улар қуюқ ваъдалар ҳам беришган эди. Бироқ сезиларли натижалар кўринмаяпти.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунист-раҳбарлардан қаттиқ туриб талаб қилишлари, топшириқни барбод қилишнинг ҳар бир ҳолларига принципиал баҳо беришлари зарур.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари шаҳар эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни алоҳида назорат остига олишлари лозим.

Шаҳарни ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ҳал этиш ерларни ўз вақтида ажратиб бериш ва қурилиш майдонларини қуришга тайёрлаш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қарорига кўра қурилишлар олиб бориладиган майдонларга эҳтиёж 35 фоиз уйлар бузиладиган районларда, 65 фоиз уйлар янги ерларда қурилиши ҳисобидан келиб чиқиб белгиланган. Бу эса шаҳарни комплекс қуриш сифатида ҳам, якка тартибдаги уй-жойлар иншоотларининг барча босқичларини янада ривожлантириш маъносида ҳам бугунги кундаги мураккаб масаладир.

Шаҳарда ерларни инвентаризациялаш ўтказилди. Бўш ерлар аниқланди. Уларда 500 минг квадрат метр атрофида турар жойлар қуриш мумкин. Бироқ бу ҳам муаммони тўла ҳал этиб беролмайди.

Республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати қарорида Тошкент области хўжаликларидан ўн учинчи беш йилликда шаҳарга ерлар ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди: комплекс уй-жой қурилишига 978 гектар, якка тартибдаги уйлар қуришга эса 1730 гектар ер ажратиладиган бўлди. Тошкент шаҳрини янада ривожлантириш учун бу масалани ўз вақтида ҳал этиш асосий шарт-шароитлардан биридир. Бироқ Тошкент область Совети ижроия комитети шу беш йилликда ерларни ўз вақтида ажратиб бермади. Шаҳарда объектлар қуришга мўлжалланган 5000 гектар ўрнига бор-йўғи 1,25 минг гектар ер ажратиб берди, холос. Бу масала бу йил ҳам ўткир бўлиб турибди, яъни турар жой программаси топшириқларини бажаришни барбод қилишда табиийки у озмунча роль ўйнамади. Биз аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалиги ишларининг мураккаблигини тушунамиз. Ер нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам биламиз. Шунинг учун Тошкентга ажратиладиган ерларни исроф қилиш ёки узоқ вақт ҳеч нарса қурмаслик мўлжалимиз йўқ. Муҳими илгарилари бўлганидек, шаҳарни ривожлантириш бўйича яхши-яхши қарорлар қабул қилиб, кейин у қоғозда бажарилмасдан қолиб кетмаса деймиз.

Ўн учинчи беш йиллик учун ишлаб чиқилган чора-тадбирларда якка тартибдаги қурилишга катта аҳамият берилган. Капитал қурилишнинг умумий таркибида у анчагина катта қисмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам уни ташкил этишнинг баъзи бир масалаларига тўхталиб ўтишни истардик. Кейинги икки йил ичида 2000 тача участкалар ажратиб берилди, бироқ улар аҳоли эҳтиёжларини қондиролмаётир. Ҳозирги пайтда ер участкалари олиш учун 25 минг оила навбатда турибди. Уларнинг кўплари яқин йилларда ер участкалари билан таъминланадилар.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, якка тартибдаги уй қуриш жиддий комплекс тайёргарликни талаб этади. Лойиҳалаш босқичининг ўзидаёқ якка тартибда уй қуриладиган жойларда социал ва маданий объектларни қура бошлаш муҳимдир. Шунингдек мактаблар, болалар боғчалари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа объектлар ҳам зарурдир. Бунда миллий анъаналарни ҳисобга олиш керак. Ана шу мақсадлар учун капитал маблағ зарур. Тажриба шуни кўрсатаяптики, бундай маблағлар кўп ҳолларда кам миқдорда ажратиляпти. Масалан, «Ўрикзор» массиви учун 1989 йилда зарур бўлган 9—10 миллион сўм ўрнига атиги бир миллион 700 минг сўм ажратилган, холос. Бу ҳам йилнинг ўртасига бориб, яъни моддий ресурслар буюртмаларига планлар тузиб бўлинганидан кейин ажратилди.

Якка тартибда уй қурувчиларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш масалалари жиддий эътибор беришни талаб этади. Бу масалалар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг назорати остида бўлмоғи керак. Шунингдек биз республика идораларидан бу масалани ўз вақтида ҳал этишни сўраймиз. Бинобарин уни тўла ҳал этмасдан туриб социал адолат принципларини амалга оширишни таъминлаш мумкин эмас.

Уй-жой программасини ҳал этиш кўп жиҳатдан республика министрликлари ва идораларининг ташкилотларида мавжуд бўлган қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишга ҳам боғлиқ. Қабул қилинган қарорда бир қатор иттифоқ ва республика министрликлари бўйича топшириқлар белгиланди: ўз кучлари билан 730 минг квадрат метр турар жойлар, 2200 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 1900 кишини қабул қиладиган поликлиникалар, 1256 ўринли касалхоналар ва бошқа социал объектлар қурилиши керак. Биз министрликлар ва идоралардан буни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблашларини сўраймиз ва у шаҳар партия комитетининг қатъий назоратида бўлади.

Шаҳарда бу йўналишда муайян ижобий иш тажрибалари тўпланган. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Сергелидаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Союзтелефонстрой» ўз коллективларининг ишчилари учун турар жой ва социал объектлар қуришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўтган йили фақат уларнинг кучи билангина 30 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Бу намуна барча министрликлар ва идоралар томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Амалда эса қандай бўляпти денг. Нега «Узбексельмаш» бирлашмаси (Т. М. Махаметов, Н. М. Михайленко ўртоқлар), «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси (А. А. Алимбоев, С. Г. Копилев ўртоқлар), экскаватор заводи (А. Н. Сумбулов, А. Х. Саримсоқов ўртоқлар), электр-механика заводи (ўртоқ Ю. М. Ковальский), «Таштекстильмаш» заводи (Ю. Ф. Пайгин, В. П. Кравченко ўртоқлар), бошқа йирик корхона ва ташкилотлар турли хил баҳоналарни рўкач қилиб шаҳарни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ишидан ўзларини четга олмоқдалар. Нима, уларнинг ишчи-хизматчилари шаҳарда яшашмайдими?

Шаҳар Совети ижроия комитети, район партия комитетлари ва район Советларининг ижроия комитетлари корхона ва идораларнинг куч ва маблағларини ана шу мақсадларга кенг жалб этиш бўйича ташкилотчилик ишларини кучайтиришлари, хўжалик усулини ҳар томонлама ривожлантириб ва рағбатлантириб, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари лозим. Энг муҳими меҳнат коллективларига шуни сингдириш керакки, хўжалик усулида уй-жойлар қуриш ҳажмларини ошириб бориш масалаларини ҳал этиш уларнинг манфаатларини кўзлаб қилинаётир.

Шаҳарнинг ҳаёт таъминоти бўйича биринчи галдаги чора-тадбирларни амалга ошириш унинг архитектура қиёфасини яхшилаш имконини бермоғи керак. Ишларнинг аҳволи эса оқилона қурилишни шакллантиришни талаб этади. У замонавий ва шаҳарсозликнинг истиқболли талабларига жавоб берадиган бўлсин.

Кейинги йилларда бош планни амалга ошириш чоғида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси ҳамда унга қарашли институтлар — «ТашНИИПИгенплан» (ўртоқ Л. Т. Адамов) ва «Ташгипрогор» (ўртоқ Д. Ш. Исломов) институтлари лоқайдликлари туфайли ягона шаҳарсозлик сиёсатига амал қилинмади.

Масалан, кўпгина янги турар жой массивлари: «Қизил Шарқ», «Алгоритм», «Сергели—7, 8», Б—1, «Марказ—17», «Марказ—18» ва бошқа массивлар қурилиши бошландию, бироқ улардан бирортаси ҳам тўла комплексда ниҳоясига етказилган эмас. Турар жой районларини қуришнинг бундай практикаси шунга олиб келдики, шаҳарда савдо корхоналари, соғлиқни сақлаш, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа объектлар кескин етишмай қолди. Оқибатда шаҳарда ҳар хил савдо ва маиший павильонлар, дўкончалар ва бошқа иншоотлар тўлиб-тошиб кетди. Бу айтиш мумкинки, «архитектуранинг ноёб асарлари» ўз «чиройи» билан турар жой массивлари, майдонлар, транспорт магистралларининг ҳозирги қиёфасини бузиб турибди, холос. Баъзан шундай таассурот туғиладики, гўё шаҳарда бош архитектор йўқдек. Ҳолбуки, унга бош план асосларига қатъий риоя қилиш, қурилишни бошқариб бориш бўйича жуда катта ваколатлар бериб қўйилган.

Биз шаҳар бош архитектори ўртоқ С. Р. Одилов бу ишни жонлантиради ва ўзининг қатъий саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги қурилишни тартибга солади, кўримсиз лойиҳаларни кўпайтирадиган идорага айланиб қолган лойиҳа институтларининг ижодий фаоллигини жўш урдиради деб умид қиламиз. Бизнинг фикримизча, бош планга планни ишлаб чиқишга ёндошишнинг ўзи туб ўзгаришни талаб этади. Шаҳарнинг территориал-ишлаб чиқариш комплексларини мufассал ишлаб чиқиш унинг асосида ётмоғи керак. Ҳолбуки, шу пайтгача тармоқ ишлаб чиқариш структураси ҳокимлик қилиб келган эди. Назаримизда территориал хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни жорий этиш шаҳарни ривожлантиришни планлаштиришнинг аввалги системасини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Сўнгги вақтларда, тармоқ ишлаб чиқариш структурасига мойиллик кўрсатиш бош план талабларини бажаришдаги жиддий тўсиқ бўлиб келди. У социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш, шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш билан зид келиб қолди. Шу кунларда шаҳарни 2010 йилгача ривожлантириш планларининг кўриб чиқилган техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Бундан ташқари ўйлаймизки, шаҳарни ривожлантириш бош планини муваффақиятли бажаришга планлаштириш даври бошланишининг ўзидаёқ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига бўйсинувчи барча кўзда тутилган территорияларни бериш ва унинг таркибига киритиш ҳам хизмат қилган бўлур эди.

Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг бош плани техник-иқтисодий асослари Тошкент областини ҳам ривожлантириш комплексини биринчи марта кўзда тутмоқда. Бу эса пойтахт регионига яхлит ягона социал-иқтисодий система сифатида қараш имконини беряпти. Бу — бежиз эмас. Тошкент шаҳри ва область хўжалиги бир-бири билан узвий боғлиқдир. Айниқса бу алоқа шаҳар агросаноат бирлашмаси тузилиши билан ривожланди. Эндиликда биз «Ташгорагропром» бирлашмасининг хўжаликларида социал қайта қуришни жадаллаштиришдан манфаатдормиз. Шаҳар корхоналарининг қишлоқ хўжалиги билан алоқасини мустаҳкамлаш муҳимдир. Уларнинг иқтисодий, социал ва маданий савиясини шаҳар даражасига кўтаришда амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Бу муаммолар хўжаликларнинг сони ошиши билан янада актуал аҳамият касб этиб боряпти. Аҳолини бутун йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаб бориш учун ҳозирги вақтда республика ҳукумати бирлашма таркибига Тошкент областининг Калинин ва Орджоникидзе районлари бир қатор хўжаликларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг социал йўналиши мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари қуришни анча кўпайтиришни кўзда тутади. Қурилиш суръатининг етарли эмаслиги, шаҳарда мураккаб демографик аҳвол бу беш йилликда нормативларга яқинлашиш имконини бермайди.

(Охири 4-бетда).

